



FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti  
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy  
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07  
e-mail: Z\_XY-77@mail.ru  
HR: 2020 8000 6054 3715 8001  
XATB "ORIENT FINANS BANK" Yunusobod filiali  
Bank kodi: 01075, IFUT 69201  
STIR: 308 852 209

## AUDITORLIK ASHKILOTI

### МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Сирдарё в

2022 йил 13 март

**Аудиторлик хулосаси йўлланди:** «Ок Олтин Дон Махсулотлари»АЖ  
Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик  
қўрғони,  
х/р: 2020 8000 9001 9428 8001,  
"АГРОБАНК" АТБнинг Сирдарё худудий филиали.  
МФО: 00365,  
ИНН: 200 309 810 , ИФУТ: 10610  
телефон: 367-227-31-15; 367-227-31-12.

**Аудиторлик хулосаси тузилди:** МЧЖ «FINTIME» АТ  
Тошкент шаҳар, Миробод т-ни, Шахрисабз к 36 уй.  
х/р 2020 8000 6054 3715 8001,  
ХАТБ Ориент Финанс Банк» Юнусобод филиали,  
МФО: 01075;  
ИНН:206952776; ОКЭД: 69201.  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик  
ташкilotлари реестрига киритилган  
телефон: (97) 446-03-07.

Биз «Ок Олтин Дон Махсулотлари»АЖ 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

#### *Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги*

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

#### *Аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона

ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

#### ***Қўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган аудитор фикри***

Бизнинг фикримизча, «Ок Олтин Дон Махсулотлари»АЖ нинг 2022 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларида 705-сонли Халқаро аудиторлик ҳисоботига асосан хато курсатишлар мавжуд (жиддий бузиб курсатишлар эмас). Тугаган 2022 йил 31 декабрь ҳолатига топширилган молиявий ҳисоботларда дебеторлик ва кредиторлик карзлар фарк килади, яъни солик ва бошка мажбурий туловлардаги буюртмачи ва кредиторларнинг карз суммалар солик базаси билан солиштириб қурилганда яқунланган молия йилининг охирги солик ҳисоботларини топширгунга қадар ҳисобланган солик мажбуриятлари ва солик активлари, ҳамда хусусий капитал ва мажбуриятларда (дебеторлик ва кредиторлик карзлари орасида фарк) кўрсатиб утилган. Молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

**«FINTIME»  
МЧЖ Бош директори**



**З. Халкулов**